

Мўшабар Заминимизда энг зебо, энг лаптофатли,
оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар яшайди



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 8 март, №55 (3167)

Шанба

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриғи

Муҳтарама онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Суякли қизларим!

Бугун, баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, янгиликни бораётган ушбу дамларда сиз, азизларим, сизларнинг тилсизинида бугун Ўзбекистон хотин-қизларини кўтлуг айём — 8 март байрами билан муборакбод этиш, кўпчилик қаторида сизларга ўз хурмат-эҳтиромини изҳор қилиш менга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Биз дунё гўзаллигини, ҳаёт фалсафаси ва маъно-мазмунини авваламбор аёл сиймосида, унинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида кўраимиз, ҳис этаимиз.

Маълумки, ҳар қайси инсон аёл зотиға бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиш учун беихтиёр шайрият, назм оламини мурожат қилади. Шу маънода буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг:

Чун азалин шаҳи жаҳон сизсиз,
Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз, —
деган ўлмас сатрлари барчамизнинг дилмиздаги ҳис-туйғуларни ёрқин ифода этади.

Биз аёл зотини Оллоҳ таолонинг бекиёс мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Чиндан ҳам, тарихимиз ва бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу таъриф замирида асрлар, минг йиллар давомида ҳаётимизда тоғдай таянч ва суянч бўлиб келаётган аёл сиймосига мансуб буюк ҳақиқат муҳассам эканини англашимиз қийин эмас.

Нега деганида, одамзот машаққатли синовларни енгиб ўтиш, Фарҳод каби чулғарга сув чиқариш, оламшумул кашфиётлар яратишдек улғувор ишларни ўзига тасаввур этиши мумкин. Аммо ҳеч ким, ҳеч қачон бир нарсани тасаввур қила олмади: аёлсиз ҳаёт йўқ ва бўлмайдди ҳам.

Шу боис халқимиз, миллатимизнинг тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳр-бондлик ва ғамхўрлик қўриштириш, уни ҳимоялаш, керак бўлса, бутун борлигини аёл учун баҳишдила этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машҳур дostonларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган.

Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этишида, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлиши ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқига садоқатли ёш авлоднинг тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик-осойишталик, кўт-баракат ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабуру бардошчилигини Ватанимиз юксак қадрлайди.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг оғирини енгиб қилиш, ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинаётгани, уйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг тасдиғини нафақат марказда, юртимизнинг олий туманлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, хуёсуний тадбиркорлик фаолияти каби бугун замон ва бозор муносабатлари талаб қилаётган соҳаларда ҳам опа-сингилларимизнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Биз ёруғ келажакимизни куриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон

ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширад эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча сунийи гов ва тўсиқларни, ҳар қандай чекловларни бартараф этиш, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Бу борада қилаётган хайрли ишларимиз, жумладан, ёш истеъдод соҳибалари учун Зулфия мукофотини таъсис этганимиз ҳам ҳаётга катта орзу-интилишлар билан кириб келаётган қизларимизга ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмак ва мадал бериши муқаррар.

Мен ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, шубҳасиз, ҳар қайси туман, вилоят ҳокимликлари ва марказий идоралар раҳбарларининг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчиға айланиши даркор, деб биламан.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бориши билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан, ҳомиладор аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, соғлом фарзандлар дунёға келиши учун тиббий масканлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ёш болали оилаларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ёрдамнинг самарасини ошириш масаласи ҳам доимо диққатимиз марказида бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг кўпчиликка маълум бўлган фикрини давом эттириб, мен **“Соғлом авлод ўстираётган юртинг келажаги буюк ва кудратли бўлур”** деган қараш умуммиллий ширимизга айланб қолганини истардим.

Бу борада шу йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, **“Обод маҳалла йили”** дастурида кўзда тутилган амалий вазифалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, фурсатдан фойдаланиб, нафақат бугунги кунимизни, айни пайтда келажакимизни ҳам белгилаб берадиган бир фикрни, яъни аёлларга қанча ғамхўрлик қилмайлик, барибир, уларнинг олдида ҳамшира қардоримиз, деган фикрни билдириб, юртимизнинг барча ўғлонларини, авваламбор, катта-кичик раҳбарларни ана шундай тушунча ва гоҳлар билан яшашига даъват қилмоқчиман.

Қадрли опа-сингиллар!
Бетакорор юртимизда баҳор ва бахт айёми бошланаётган мана шу унутилмас дамларда юрагимда барча аёлларимизга бўлган хурмат ва меҳр-муҳаббат туйғусини яна бир бор изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Агарки мендан, дунёдаги энг зебо, энг лаптофатли, оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмай, гурур ва ифтихор билан **“Мўшабар Ўзбекистонимиз заминида”** деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳамиша эзгулик ва шафқат, меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларини бугунги гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қутлар эканман, барчангизга сийхат-саломатлик, хонадонларингизга файзу баракат тилайман.

Табаррук оналаримизнинг умрлари узок бўлсин! Азиз опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ушалсин! Ёш қизларимиз, кажжи невараларимизнинг истаклари рўёбга чиқсин!

Мунис чехраларингиз доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлсин. Кириб келаётган баҳор нафаси барчангизга бахт ва саодат келтирсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



Эзгулик ва садоқат тимсоли

Миллатимиз тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳр-бондлик ва ғамхўрлик қўриштириш, ҳимоялаш ҳар бир инсон учун ҳамиша шарафли иш, мардлик ва жасорат намунаси бўлиб келган. Аёлларимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишида, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлиши ҳар томонлама соғлом баркамол авлоднинг тарбиялашда ва шу асосда ҳар бир оила, маҳалла, бутун юртимизда осойишталик, кўт-баракат ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган хизматларини Ватанимиз юксак қадрлайди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март — Хотин-қизлар кунини муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабўраҳмонов очди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантаналда сўзга чиққан Бош вазир Уринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият

бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт каби соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва мавқен ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этиши учун барча имкониятлар муҳайё.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зулфия номидagi Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор

бўлган иқтидорли қизлар тантанали равишда тақдирланди, уларга совриндорлик ёриқлари ва нишонлари топширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов, Зулфия мукофотининг бу йилги совриндорлари — Фазу Шержанова, Екатерина Аблаева сўзга чиқиб, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини намоён этиш учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Нозоқот УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.
СУРАТДА: Зулфия номидagi Давлат мукофотиға сазовор бўлган ёшлар.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халлолов, Бош вазир У.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлиси Раиси Уринбосарлари, Бош вазир Уринбосарлари иштирок этди.

Мухаммад АМИН олган сурат.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Президенти Рудольф Шустер 7 март кунини Самарқандга келди. Юксак мартабали меҳмон шаҳарнинг тарихий-меъморий ва маданий обидаларини зиёрат қилди. Истиқлол йилларида бунёд этилиб, Самарқанд хуснига кўрк бағишлаётган янги ишоотлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирди.

Словакия раҳбари, айниқса, Регистон мажмуидан катта таассурот олганини таъкидлади. Р.Шустер миллий дунармандлик буюмлари кўргазмасини катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Сибё бозорида савоатли заминимизда этиштирилган ноз-неъматлар ва Самарқанднинг машҳур ноиларидан таътиб кўрди.

Кунининг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон “очик осмон остидаги музей” дея таърифланган яна бир қадимий шаҳримиз — Бухорога ташриф буюрди. Словакия раҳбари бу ердаги маданий ёдгорликлар, кўҳна обидалар билан

танишиди. Шаҳар зиёрати асносида меҳмон шарафига маҳаллий санъаткорлар ижросида миллий куй ва кўшиқлардан иборат концерт дастури намоён этилди.

Шу билан Словакия Президентини Рудольф Шустернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоятда муваффақ бўлди. Таъкидламоқ жоизки, ўтган мулоқотлар жуда самарали бўлди. Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтаришга шубҳа йўқ. Бунга Р.Шустернинг куйидаги сўзларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

— Ўзбекистонга мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун келган эдим. Ташриф Самарали бўлди. Ислом Каримов билан ҳамкорлигимизнинг турли жиҳатларини муҳокама қилдик. Ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг истиқболли порлоқдир.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

2002 йил декабрида республиканинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёгингарчилик миқдори ўртача йиллик нормадан ортиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси “Бошгидромет” бошқармаси маълумотларига кўра баҳор-ёз ойларида кўпгина сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, шунингдек, кўчки ҳодисалари кутилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар оғир оқибатларининг олдини олиш, моддий зарарни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳаражатларини камайтириш мақсатида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошқин ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишнинг таъминлаш бўйича Хукумат комиссияси ташкил этилсин.

2. Хукумат комиссияси тегишли вазирликлар, идоралар ва вилоятлар ҳокимликларини билан биргаликда: икки ҳафта мудатда кўчки ва сел оқимлари ҳодисалари оқибатларининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг тегишлилигига кўра ўз кучлари ва маблағлари ҳисобига бажарилиши таъминласин;

жорий йилнинг 10 апрелигача хавфлилик даражасидан ҳамда хўжалиқлар, объектларнинг Давлат геология кўмитаси ҳамда “Бошгидромет” бошқармаси хизматлари томонидан таъкидланган ва вилоятлар ҳокимликларига берилган рўйхатга мувофиқ сел, тошқин-кўчки зоналаридаги шаҳарчалар, қишлоқлар ва хўжалиқлар аҳолисини бошқа жойга кўчирсин;

ўзбошимчилик билан олиб бориладиган қиринишлар, дарёларнинг қайрилишлар, кон билан боғлиқ бўлмаган материалларини рухсат-

миқдорда автотранспорт, ёнилли-мойлаш материаллари ва алоқа воситалари ажратсинлар. Тошқин ва сел оқимлари ўтадиган зоналарда хавфли участкаларни аниқласинлар, уларда кеча-кундуз навбатчилик таъинлашга кўчки эҳтишлар ва тегишлилигига кўра халқ хўжалиги объектларини сақлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Даву хўжалиқназорат” инспекцияси жорий йилнинг I апрелигача барча сув омборларининг ҳолатини текшириб чиқсинлар ҳамда уларнинг иш режими устидан назорат ўрнатсинлар. Қаналар, ишоотлар, сел ўтадиган жойлар ва дамбаларининг сел ва тошқин сувларини ўтказишга тийишли текширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология кўмитаси: хавфли кўчки участкалари фаоллашуви ҳамда ўтирилдишлар пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналарни аниқлаштирсин, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини ўз вақтида ишончли ахборот билан таъминласин;

кўчки жараёнлари ва ўтирилдишлар билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиши беосоти хавф солганда ҳокимликларга аҳолисини хавфли зоналардан доимий ва вақтинча кўчириш мақсатида хўжалиқлар ва объектлар рўйхатини берсин;

(Давоми 2-бетда).

Обод маҳалла йилига бағишланди

Республика “Маънавият ва маърифат” марказида мамлакатимизда Обод маҳалла йилида амалга оширилиши зарур бўлган маънавий-маърифий ишлар тарғиботи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти асосларини қарор топтириш, миллий қадриятимизни асраб-авайлаш, келажак авлоднинг баркамол инсонлар сифатида воғна етказиш каби умуммиллий вазифаларни ҳал қилишда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўлгани, ҳаётимизнинг ажрал-

мас қисми бўлган маҳалланинг муносиб ўрни бор. Шу боис юртимизда маҳаллаларни ривожлантириш, уларнинг мақоми ва нуфузини янада оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинган ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Ингилишда “Обод маҳалла йили” дастурида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра ту-

тилган ишларни янада самарали амалга оширишда маънавий-руҳий оламга, маърифат соҳаси вакилларининг тутган ўрни ва вазифалари хуёсуида фикр юритилди.

Айниқса, бу борада маҳалланинг халқимизнинг маънавий-руҳий олами, онги ва тафаккурини турти шакллантириш, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, шунингдек, жамият тараққийининг бошқа муҳим масалаларини ҳал қилишда тутган муҳим ўрнига аҳамият бериш зарурлиги ўқтириб ўтилди.

Мажлиса Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг Уринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёзи дам олиш мавсуми бошланишидан олдин болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш уйлари, туристик базаларни текшириб чиқин ва зарурат бўлганда тегишли ёзма кўрсатмалар берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси «Бошгидромет» бошқармаси:

жорий йилнинг 1 апрелигача Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Давлат геология қўмитаси билан биргаликда қор захираларини, сел ва кўчки хавфи бўлган зоналарни аниқлаш мақсадида тоғли ва тоғли туманларини, шу жумладан, чегарадош давлатлар ҳудудларини авиация кўмагида текшириб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Бошгидромет» бошқармаси ҳамда Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда баҳорги-ёзи тошқинлари даврида сел ва тошқин сувлари ўтиши хавфи бўлганда сойларга, сел, қор кўчкисидан сойлардан жойларга ва бошқа хавфли участкаларга бориш йўлларида постлар ташкил этсин, уларда одамлар, автотранспорт ва техниканинг хавфли зоналарга ўтишига йўл қўймаслик мақсадида шлагбаумлар ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шикастланган аҳолига шоишлик тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий ёрдам пунктларини зарур микдорда тайёрлаб қўйсин, уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминласин. Дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари ва эпидемиология қарши воситалар захиралари яратилсин.

10. «Узгросуруга» ва «Кафолат» компаниялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи зонасидаги хўжаликлар ва объектлар, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш бўйича тавсия эти-

ладиган тадбирлар рўйхатларини ўз вақтида берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жорий йилнинг 15 майгача қўшни давлатлар ҳудудидagi республика учун хавф солувчи ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар ва селларни келтириб чиқарувчи участкаларни кузатиш учун авиация ишларини олиб боришга Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ҳукуматларининг рўхсатномаларини олиш масаласини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Бошгидромет» бошқармаси ҳамда Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда баҳорги-ёзи тошқинлари даврида сел ва тошқин сувлари ўтиши хавфи бўлганда сойларга, сел, қор кўчкисидан сойлардан жойларга ва бошқа хавфли участкаларга бориш йўлларида постлар ташкил этсин, уларда одамлар, автотранспорт ва техниканинг хавфли зоналарга ўтишига йўл қўймаслик мақсадида шлагбаумлар ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шикастланган аҳолига шоишлик тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий ёрдам пунктларини зарур микдорда тайёрлаб қўйсин, уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминласин. Дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари ва эпидемиология қарши воситалар захиралари яратилсин.

10. «Узгросуруга» ва «Кафолат» компаниялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи зонасидаги хўжаликлар ва объектлар, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш бўйича тавсия эти-

мавлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда қор кўчкиси, сел ва тошқин зоналаридаги иморатлар, уй-жойлар, чорва моллари, фуқароларнинг шахсий мулки, фермер ва ширкат хўжаликларини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги объектларни ихтиёрли суғурта қилиш бўйича шартномалар тузиш ишларини олиб боришсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

қор кўчкиси, сел, тошқин даврида вазирликнинг шахсий таркибининг кучайтирилган иш тартибига ўтказсин, жойларда кечакундуз навбатчиликни ташкил этсин, шунингдек, аҳолини шоишлик хабардор қилиш учун уларни ишончли алоқа воситалари билан таъминласин;

жорий йилнинг 1 апрелигача вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда кичик дарёлар, сойлар ўзларини ва кўприкларни текширувдан ўтказсин, хавфли участкаларни аниқласин ҳамда уларни мустаҳкамлаш ишлари бажарилишини назорат қилсин; геологик ва гидрометеорологик вазират тўғрисидаги ахборотларни йиғини, ўрганиб чиқини ва айирбошлашни ташкил этсин. Вазирлар Маҳкамасига республика ҳудудига вужудга келган фавқулодда вазиятлар ва тиббий офатларнинг кутилиши мумкин бўлган оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2003 йил 7 март.

Учинчи мингйиллик арафасида аёллар фаоллиги дунё миқёсида ортли. Бугун улар фаоллик кўрсатмаган, кучини синамаган соҳанинг ўзи йўқ.

Улар тез ўзгараётган давр талабларига мослашувчанлиги, киришимлиги билан эркаклардан қўлишмаяпти. Мутахассислар аёлларнинг мақсадага эришиш учун уюштирилган, қийинчиликларга бардош бериб, ишга меҳр-муҳаббат билан ёндашишлари эркаклардан нисбатан баъзан устунлиқ қилишини аниқлашган.

Юртимизда ана шундай хислатларга эга аёллар уюштирган жамоат ташкилоти бор. Бу Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмасидир. У — республикамизда тузилган ilk нодавлат, нотижорат ташкилот.

1991 йилнинг айнаи ёз чиласи арафаси эди. Нодавлат, нотижорат ташкилот тузиш ишлари билан югуриб-ёлаётган Дилдор Алимбековдан бир масъуль раҳбар сўрабди: «Нима, сиз давлатга қарши ташкилот тузмоқчимсиз?» Кейинроқ бошқа раҳбар «Агар ташкилотнинг даромад келтирмаса, банкдор деб ёпиш керак», — деган экан. Булардан шу нарса аён бўладики, нодавлат ташкилот ибораси биз учун тамоман нотаниш пайтларда, иқтисодий ҳаётимизнинг энг мушкул, йўл бошидаги муаммолар айнаи чирсиллаб турган даврида ташкил топди. Орадан 70 кун ўтиб, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Турмушимизга шўро тузumi маҳкам чирмашиб турган ўша кезларда мустақил фаолият юритиш ташаббуси билан чиқиб, муқобил тарзда иш бошлаш ўта сиёсий-ижтимоий фаоллик ва уюшқоқлик талаб қиларди. Назаримизда, мазкур жамоат ташкилотининг ilk эътиборга молик ютуғи ҳам шунда. Республиканинг биринчи тадбиркор аёллари бирлашиб, яқдил ҳаракатга кириша олганида. Ҳаракат замирида нима бор эди?

1980 йилларнинг охирида кичик тикув цехи очиб, хусусий корхона тузган Д. Алимбекова ўз корхонасини мустаҳкам-

УЛАРНИ ДАВР ҚЎЛЛАДИ

ласа, кенгайтириш режалари билан шуғулланса ҳам, ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Аммо Д. Алимбекова тадбиркорликни бошлаётган аёлларнинг олиб-югуришларини кўриб, уларга кўмак, йўл-йўриқ кўрсатувчи уюшмага зарурат борлигини сездди. Уни нодавлат йўналишда ташкил этишни иқтисодчи касбдошлари

ди. Ана шу борала аёлларини анча фаол ва зийрак иш олиб боришди. Нимага асосланиб, бу сўзларни қўллаяптиз? Масалан, тадбиркор аёлларнинг кредит олиш масаласини олайлик. Энг ориқди муаммолардан бири — шунинг юклардан бир оз қутулиш учун 1995 йилда Ишбилармон аёллар уюшмаси кредит иттифоқ-

лари ташкил этиб, тадбиркорларга қарз бера бошладди. Айтилик, мингта аёл ўш шайхсий жамғармасидан улуш қўшди. Кичик бизнесни бошлаётган аёллар бу жамғармадан маълум мuddатга кредит оладилар. Олий Мажлис сессиясида ўтган йили «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Уюшма қарийб 12 йил давомида 4000 дан ортиқ аёлни бирлаштирди. Уларнинг фаолиятига кўмак-лашди. Европа ва АҚШнинг нодавлат, нотижорат ташкилотларида аёлларимиз малакаларини ошириш, тадбиркор аёллар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, микрокредитлар, кичик ва ўрта бизнес бўйича маслаҳатчи ва тренинглари тайёрлаб, амалий санъат ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича бир

неча лойиҳасининг таъсисчиси бўлди. Ишбилармон аёллар уюшмасининг вилоятларда 14 та бўлини маси фаолият юритди. Улар халқро жамғармаларнинг грант ва лойиҳаларига кўра амалга оширилётган ишларга кўмаклашмоқдалар. Масалан, Япониянинг «Жайка» маданият маркази Янгийўл ва Бекобод туманларида ишсиз аёллар учун ўқув масканини ташкил қилди. Уларни керакли жиҳозлар билан таъминлади. Шу вилоятнинг Куйи Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларида Германиянинг «Диесел» ташкилотига новвойхоналар очилди ҳам қўмак берди. Германия билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳага кўра, 4000 нафар ишсиз аёл ҳунармандчилик, сартарошлик йўналишларида ўқитилди ва ҳоказо.

ТАСИС дастури лойиҳасига кўра, 6 йил мобайнида 9000 нафар киши ўқитилди. 260 тадбиркор Италия ва Буюк Британия давлатларида малака ошириб қайтди. Дунёнинг энг нуфузли ташкилоти — Жаҳон банки уюшмани ўзининг миллий ҳамкори деб тан олди. «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва давлат кафолатлари тўғрисида»ги

қонун лойиҳасининг муҳоамасида иштирок этган уюшма раиси шундай дейди: «Лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этаётган Олий Мажлиснинг Ишчи гуруҳи вакилларига борма тадбиркор аёллар номидан миннатдорчилигимни изҳор этаман». Д. Алимбекова қилаётган ишмииз билан айтаётган сўзларимиз уйғун бўлиши тарафдори. Мақсади: тадбиркор аёллар энг замонавий шароит ва кўникмаларда ўз фаолиятини бошласин, ўз рўзгорини бойитиб, давлат иқтисодини бақувват қилишда иштирок этсин.

Уюшма кўпларга эшик очди-ю, ўзига келганда, муносиброк бино тополмагани бизни хайратлантирди. Сартарошхона ё дорихона орқали, аввало, узун қоронги йўлакка ўтасиз. Эски жиҳозлар шифтга қалаштириб ташланган, бир одам аранг сифадириган узун йўлакдан юрак ҳовучлаб бир оз юргач, тор хоналарга кирасиз. Совуқ, зах учта хона қалин қозғалар уюмидан оғирлашиб, торайиб бо-раётгандай.

Уюшма фаолияти билан танишиб, аёлларимизнинг фидоийлигига қўйил қўлдим. Ана шу фидоийлик боис ҳам у юртимиздаги нодавлат, нотижорат ташкилотлар орасида нуфузи баланд жамоат ташкилотларидан бири бўла олди.

Немис сибсатшуноси Питер Шолль Латуга уюшмада бўлганида, шундай сўзларни ёзиб қолдирибди: «Агар мен Ўзбекистон Республикаси Ишбилармон аёллари уюшмасида учратган хотин-қизлар ҳақида гапирадиган бўлсам, унда Ўзбекистон ўзининг келжги тараққиётига жуда катта умидлар боғлашга ҳақли. Назаримда, буюк француз шоири Луи Арагон шеърларидаги гоғлар бу ерда — икки дарё оралиғида аллақачон рўбга чиқмоқда».

Бу нафақат уюшма фаоллари, балки бутун Ўзбекистон аёллари ҳақида айтилган қалб сўзларидир.

Мамлакат НОРМУРОВОДА, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар сафи кенгаймоқда



Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодийнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Президентимиз 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида тўхталди, жумладан, шундай деди: «Биз қаердаки ҳақиқий мулкдор пайдо бўлса, ўша жойда ислохотлар муваффақиятли амалга ошириляётганига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Корпоратив ёки хусусий мулкдорми, бундан қатъи назар — энг асосийси, сўзда эмас, амалда мулкдор бўлиши лозим».

Республикамизда, тўғриси, кейинги пайтда мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу боис тадбиркорлар сони кўпайиб борапти. Масалан, иқтисодийнинг устувор йўналишида меҳнат қилаётган ишбилармонлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бевосита вазифаси ҳисобланган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўтган йили ишнини таҳлил қилиб кўрайлик.

2002 йил Палата фаолиятида туб бурилиш даври бўлди, дейиш мумкин. Ўтган даврда муайян ишлар амалга оширилди. Илгари мазкур тизим фаолияти тўқилганда жавоб бермас, шу боис 2001 йилнинг олти ойлик аяқлари да бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йўналишида Палата жиддий танқид қилинган эди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бораисила бир қатор ижобий ишлар қилинди. Биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 47 миңдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъекти ташкил этиляди, уларнинг умумий сони қарийб 240 миңгача етди. Соҳада фаолият кўрсатяган тадбиркорларнинг республика илли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 34, 6 фоизга тўғри келди. Айнаи пайтда мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг

54,5 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилапти. Ишбилармонларга ахборот, масласат, юридик ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Хусусан, ўтган йили 131 миң кишига 205 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда миния технологиялар, ускуналар ва товарлар сотишга мўлжалланган «MINITECH-2002» ярмаркалари ташкил этилди. Ана шундай кўрсатмалар Бухоро, Термиз, Фарғона, Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтди.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси тўғрисида «ти Қонунга мувофиқ, тадбиркорларнинг молиявий ҳўжалик фаолиятини текшириш назоратта олинди. Бу уларни ноқонуний тафтиш қилишдан ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бораисид ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, «Тадбиркорлик фаолиятини қандай бошлаш керак?» номли китоб нашр этилиб, ҳўжалик юритувчи субъектларга тарқатилди. Лекин тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда камчиликлар ҳам мавजूд. Ўтган йили Сурхондарё вилоятида атиги 2612, Сирдарёда 2831, Жиззахда эса 2952 субъектга ёрдам кўрсатилган, ҳолос.

Соҳа ходимларини тижорат хабарлари билан таъминлашда «Мароқанд» кўп тармоқли марказининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлмоқда. Айнаи пайтда унинг Интернетдаги сайтига АҚШ, Германия, Япония, Россия, Украина ва жаҳондаги 40 дан ортиқ давлатгаги икки миңдан зиёд компаниялар тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Тадбиркорларни кредит маблағлари билан таъминлаш ҳам муаммолар борлиги сир эмас. Ҳўжалик юритувчи субъект ўзи хоҳлаган пайтда ҳар доим ҳам кредит оломайди. Айниқса, Жиззах, Сурхондарё, Наманган вилоятларида бундай аҳволга кўпроқ дуч келиш мумкин. Бунда Палатанинг жойлардаги бўлимларининг ҳам абиби бор. Тўғри, соҳага молиявий хизмат қилишга иxtисослашган «Тадбиркорбанк», «Бизнес-фонд» ўтган йили кўзда тутилгандан ортиқ микдорда кредит ажратди. Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўтган йил аяқларида бағишланган йилигида шу ҳақда фикр юритилди. Унда, шунингдек, ички бозорни ўз товарларимиз билан тўлдирини, тадбиркорларнинг мамлакат илли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини кўпайтириши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шунчалар фусункор, шунчалар латофатлимисан, она тили. Мурғак болакайнинг тилларида бирам ширин, бирам хушбахт жаранг топилди. Висолга интиқ ошиқлар лутфида, каломидо ороландинг, дуру жавоҳирга айландинг. Ўзга миллат кишилари забонидо калмак жилоларидай товланди, сайқалланди наволандинг.

— Хуш келдингиз, — чехрасида нур ўйнайди Галинанинг. — Қани, ичкарига, марҳамат! Ҳаёслан «Талаффузи бу қалар ширин бўлмаса», деган уй кечди. Ун қўлини ўзбекиона кўксига қўйиб турган аёлга алоҳида меҳр билан қарайман. Тузини тотган юрда илдиз отиб, тақдирини шу диёр билан боғлаган одамгина тилга меҳр қўйди, ўрганади. Корей қизи Галина ўзбек тилини ўрганибгина қолгани йўқ. Бу гўзал, ширалор, серманю лутфини ўзбек болаларига зарғорона маҳорат, санъаткорона нафосат билан ўргатаётган ҳам.

Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини, иссиқ-совуқ кунларини ёнма-ён ўтказяётган, бир-бирига елкадошлик қилаётган ва энг кераклиги ўзини ҳурмат қилган одамгина маҳалла, қишлоқ урф-одатини, авлоддан-авлодга ўтиб келяётган удумларини зийраклик билан илғаб олади. Бўзликлар хашарта отланувадй бўлса, ҳаммадан олдин Галина Цой қўлга суғурти олади, белкурак кутаради. Бошнша олгингина рўмол ташлаб олган Галинани сумалак сайлида кўрсангиз: тандирга кўк сомса ёпиб, қозон тўла чучурага қайнатаётганларни гапта солади. Хамир қориб, зувала ёйнашга бир оз уқуви етшиляётган қизалоқнинг ёнига кириди. Ер-ёрни ўша аёл айтисин. Меҳмон кутушини оқ сариқдан келган, куралди қўзларни қақнаб турувчи Галинага қўйиб беришини.

Ўзбекистонни ўз Ватани билган Галина Тимо-

Ферузaxon Аслонова буён тиш шифокори бўлиб ишляйди. Унинг бу касбини эгаллашда қирқ беш йил соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилган она жониси — Салтанат Азимхўжаеванинг хизмати катта. Айнаи пайтда Ферузaxon Тошкентдаги «Ортодонтия» хусусий стоматология поликлиникасида қийишқ тишларни доволочи шифокор бўлиб ишляпти.

— Чиройли, садафдек, бир текис терилиб турган тиш киши хуснига-хусн бағишляйди, — дейди Ф. Аслонова. — Шу боис ҳам ҳар ким соғлом тишларининг қадрига етиши, хасталарини вақтида доволатиши лозим. СУРАТДА: Ферузaxon Аслонова иш устида. Александр МРУЧАК олган сурат.



ди. Ўтган йилдан бошлаб «КОИКА» жамғармаси орқали мамлакатимизда фаолият кўрсатяётган мутахассис Сон Ён Чесун жаноблари маҳаллий ўғил-қизлардан 60 нафарига корейс тилидан сабоқ бермоқда. Бепул, албатта. Улар сафи кенгаймоқда. Ўқувларимиз дастур талабларини мукамал бажара олосалар, Жанубий Корейга саёхатга борадилар. Халемай тил-шунослар, таржумонлар ҳам ўзимиздан чиқади. Ўзбекистоннинг бугун жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, салоҳияти бор. Миллатлараро муносабатлар тобора яхшилланиб бормоқда. Алоқалар ривож топаяпти. Икки томонлама манфаатли ҳам-корликнинг янги кирралари буй кўрсатяптир. Бугун мамлакат автомобил-созлигининг ифтихори бўлган Асақадати «Ўз-ДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корей қўшма корхонасини ва унга бутловчи қисмлар етказиб бераётган қатор корхоналарни ким билмайдй дейсиз. Тинчлик, осойишталик, қардошлик ришталарининг узилмас занжир янги-янгил мустаҳкам бўлишида вилот Корейс маданият-маърифий марказининг фаол аъзоси Галина Цойнинг ҳам сезиларли ҳиссаси бор. Устоз муаллима шогўрларининг қалб дафтарига шу азиз Ватанга муносиб фаранд бўлмоқчиликнинг ўзи бир бахт эканини, ўз юртига, Президентига садоқат ўша бахт эшикларини кенг очяганини муҳрламоқда. Сафар «қариб» йўлга отланмоқчи бўлганда, Галина Цой оёғини тираб туриб олди: — Вой, улмасам, қякқа кетасиз, Серсаяз ош ламлаб қўйибман-а. Бир чимдим еб, кейин кетасиз. Маҳалламизда удум шунақа: меҳмонни паловоч-тўрасиз кузатмаймиз...

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯХШИЛИК УЛАШИБ ЯШАЁТГАНЛАР

феена Бўз туманида туғилиб, камолта етди. Отаси Тимофей Степанович вилот фаолларидан бири эди. 1947 йили чўлга — Қуриқ ерларни ўзлаштиришга сафарбар этилди. У чўлда чирок ёққанлардан бири бўлиб танилди. Оёғидан эрик, эгиндан чопон тушмайдиган Тимофейни халқ кў йинчалик узларига ишбўши қилиб олдилар. Ҳозирги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигининг адоги уфқларга туташ серхосил далаларида келиб чиқиси корейс, аслада ўзбек бўлиб кетган фидоий инсон қадамларининг излари бор. Ҳар бир маҳалла, қишлоқларда унинг порлоқ хотираси яшайди.

— Кўни-кўшилларимизга ўхшаб биз ҳам серфарзанд рўзгоримиз, — дилқашлик қилади Галина. — Беш уғил-қиз эдик. Опа-укаларимдан уч нафарининг Бўздан кетгиси келмай, шу ерда яшаб қолди. Икки укам Тошкентда — турли вазифаларда ишляшди. Маълумотлари олий. Қаҳрамонимиз-чи? Олий маълумотли муаллима. Халқ таълими аълочиси, олий тоифали рус тили ва адабиёти муаллими. Вило-

ят халқ таълими бошқармаси тасаруфидо бўлган ўзбек тилида таълим бериладиган 26-мактаб-интернат ташкил этилган, унга раҳбар этиб тайинланди. Иқтисодиёт ва ҳуқуқшунос-лика иxtисослашган мактабининг нуфузи эндиликда Бўз оша қўшни вилоятларда ҳам юқори.

Шу азиз Ватан — барчамизники

— Бу мактабга ўқишга киришдан кўра институтга кириш осонроқ, — ярим ҳазил, ярим чин эътироф этади ота-оналар. Бу гапларнинг тағайрон бор. Битирувчи ёшларнинг даярли ҳаммаси иқтисодиёт ҳамда ҳуқуқшунос-лика иxtисослиги йўналишидаги олий ўқув юрталарига ўқишга кирмоқдалар. — Тақдирингиздан хурсандимсиз? Муаллиманинг кўзлари шодланади. Юзларидо мамунлик шуъалари ёлқинланади. Ва дейди: «Умр йўлдошим Вилорий ҳам бахтим, ҳам тахтим. У ҳайдовчи, йўлсоз. Буюк Ипак йўлининг Камчиқ ва Резак доволлари қурилишида қатнашди».

— Ҳозир-чи? — Шу йўлининг вилотти-

миздан — ўтган қисми қурилишида ишляпти. — Уғил-қизларингиз... — Икки ўғлимиз бор. Юрий — тадбиркор. «Плюстполиэтил» кувувлар ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилади. Келиним — Элизабетта Кан ҳозирча уй бекаси. Бир ёшли неварам тарбияси билан банд. Кенжа ўғлим Тимофей ҳам ақасининг изидан борапти

— тадбиркор. Ўзбекларда «Меҳнат қилиб топганинг, қандо асал тортганинг», деган жудам яхши мақол бор. Ҳўп топиб айтилган-да ўзимиз. Оиламиздагилар ҳаминша ўша нақлга амал қилиб яшашди. Ҳалоллик бор жойда — барака бор, деб билишди. Яқинда биз маслаҳатлашиб, Шолмонов номли ширкат ҳўжалигининг Кимошди салвосига қўйилган бутунлай эгасизлаиб қолган бузоқхона бизнесини сотиб олдик. Тимофей чорвачилик фермаси ташкил этмоқчи...

Мақтабимиз Жанубий Корейнинг Тошкентдаги элчионаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ёзилмаларимизнинг бир қисми ўзбек тилида битилса, қолгани корейс тилида қозғатга туша-

ЭНА ХУШРҲИ, ЭНА КҲРКАМ БҲСҲОНДИР АЁЛ!

Тол бешикка гўлдай таянган, синглим,
Сахар-сахар қушдай уйғонган, синглим.

Инг тизанга ул олиб суяр бўлдинг,
Чап тизанга қиз олиб суяр бўлдинг.

Лол бешикка тўданалар тақасан,
Тоғ бошидан сочалалар сочасан.


Ай тўрига улинг қуллук бўлсин-а,
Дил тўрига қизинг қуллук бўлсин-а.

Кўш бешикка эгиз қамар беланган,
Бешик боғи осмонларга уланган.

От бошида дардим бор, айтиб ўтай.
Элдан ният қарзим бор, айтиб ўтай:

Худо қабул қилсин, хуш ният бўлсин,
Боланга бош давлат ХУРРИЯТ бўлсин.

Эшқобил ШУКУР.



Тонг отаяпти. Оппок тонг. Бирам бегубор, бирам мусавфир, бирам хушрўйи, ҳеч қўяверинг. Бу тонг аввалгиларига сира-сира ўхшамайди. Ниҳоятда мунаввар, ниҳоятда гўзал. Димогингизни қитиқлаб, вужуд-вуждингизни сингаётган муаттар исларни айтмайсизми? Гўёки дунёда қанча гўл бўлса, бари худди шу қўлгўл тонг бағридан жой олгандек. Бу латофатли тонг биз интиқ ва интизор бўлиб қутган гўзаллик фаслининг илк байрам тонги. Ана қаранг, Она табиат уйғонмоқда. Демак, дилмизини яйратгани, тилимизини сайратгани баҳор келмоқда, баҳор! Демак, олам яна энг покиза туйғуллар оғушидаги сулув келинчақдек яшайди, яшарди.

Ана, арик ёқалари потирлаб чиқаётган ялпиз билан безанмоқда. Олдидан кетгингиз келмайди. Ана, бойчечак ҳам диркиллаб турибди. Ҳали замон атрофида болажонлар давра қуриб, «Юмшқоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак», дея қўшиқ қўйлашади. Майнинг эсаётган шаббодада бойчечак оҳиста-оҳистагина тебраниб-тебраниб қўяди. Бу унинг рақе тушгани. Ана, бинафша ҳам буй берибди. Ҳавасингизни келтиради. Бирам нозик бирам нозик. Термулган сайин термулгингиз келаверади. Ял-ялғи ёниб турган лола-чи? Мўжжиза-я, мўжжиза. У ҳам пуриқор тоғлар бағридан шарқираб оқётган шалола мавжларига эш бўлиб, ўзининг энг дилбар қўшигини қўйламоқда. Қаранг, кечагина қорайиб турган довдарахлар ҳам қиш тўнини ечиб, баҳорий либосларини кийишмоқда. Шохларига гўж-гўж бўлиб турган қушларнинг чуғур-чуғури қалбингизни ажир ҳисларга чулғайди. Рухингиз энгил тортиб, «Яшасин ҳаёт!», «Яшасин Она табиат!», «Яшасин гўзаллик!», «Яшасин баҳор!» дея бор овоз билан ҳайқирингиз келади.

чи сизни яна лол қолдиради. «Аттанг, ҳеч бўлмаса йилда бир мартагина бўладиган байрам кунда тонгдан шомгача онажонимдан тортиб, ойижонига ердამчи бўлиб қолган ўқувчи қизларимгача иззат-икром кўрсатиб, кўнгилларини шод этай деса, улдасидан чиқмасам», дея ўзингизни ўзингиз койий бошлайсиз. Шу пайт кечаги тушингиз ёдингизга тўшиб, баҳорнинг биринчи элчилари — бойчечак, ялпиз, бинафша-ю лола ажиб бир

ОЛАМ ГЎЗАЛ ОНАМ БИЛАН

Сиз дарёсиз — ирмоқлари куйлаб оққан... Мусавфир Жўра Асрон асарларида аёл қиёфаси

Бир файласуф аёлга «тикан учидан очилган гўл» дея таъриф берибди. Ажаб, бу ўхшатиш замирида не ҳикмат, не маъно бор? Балки, шу оламнинг жамики дарду ташвишларини кўзлари тубига яшириб, чиройли жиймалай турмоқликка куч топа оладиган аёл учундир бу таъриф! Бундай аёл ким ўзи? У — она. Етмиш икки минг томирига қулқ тутсангиз, фақат «болам» деган сас эшитилгучи бир зот...

«Она, онажон-ей, сиз яқинда атак-чечак қилётган фарзандларингиз эртасини ўйлаб яшардингиз. Энди эса «Болагинаминг боласи, қантак ўрикнинг донаси», дейсиз. Набиранингизни дуо қилётиб, «Тўйингни кўрай, жуҳудларингни ўзим кўтариб катта қилай», дея пичирлайсиз. Меҳрингиз бунчалар иссиқ, бағрингиз бунчалар кен! Бутун бир авлод шу бағирга сингиб кетади, меҳрингиз тафтидан куч олиб яйради. Сиз эса уларнинг қўлиги билан қувонасиз. Қувонаврасиз. Энди билсам, сиз бир дарё экансиз, бағрингиздаги ирмоқчалар қанчалик кўп бўлса, қанчалар шўх куйлаб оқса, бу дарё шунчалар кенгайиб боравераркан!»

Мусавфир Жўра Асрон чизган оналар суратига боқиб, худди шундай ҳаёллар кўнгилдан кечди. Дунёнинг ҳамма эзгулиги мана шу суратлардаги қиёфаларда акс этаётгандек гўё. Шу тонда улар жонланиб, сўнг тилга кириб, фақат яхшиликлардан сўз оқётгандай, юртва тинчлигу

омонлик тилаётгандай туюлди менга. Мана, «Ҳидоят ая» асари. «Бу ишни яқинда тугатдим. Ҳали буюғи қурмаган», дейди мусавфир. Суратга тикилиб қарайман. Қадрдон ва ёруғ чехра. Нигоҳларидаги қатъият ажиб бир соддалик билан уйғунлашиб кетган. Ҳаётнинг қирқ йилини болаларга ҳарф ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлашдек машаққатли касбга баҳи этган аёл у. Назаримда, Ўзбекистондаги барча фидойи муаллималар қиёфаси «Ҳидоят ая» асарида мусаммаллангандек.

«Она» чизиб тугатилганидан то «Каромат ая» сурати қоғозга тушгунга қадар ўтган давр мусавфир учун синов йиллари бўлди. Тинимсиз изланишлари ижод машаққатларининг маҳсули сифатида янги-янги асарлар дунёга келди. «Шоҳимардонда баҳор», «Оқтош манзараси», «Оқ қўйлак», «Гилос

қилиб, кўрпачага ўтказди. Сўхбатдан сўнг маълум бўлдики, тўй сабабчиси — набира, у ҳарбий хизматдан қайтган. Лекин... Отаси яқинда нимадир бўлиб қамалган. Аскар бундан беҳабар. Она ҳовлисидаги тантанани кўриб суюнса, қамоқдаги ўзининг бу ерда йўқлигини ўйлаб қуонади. Бир лаҳзанинг ўзидаги шу икки ҳолат мусавфирни ҳайратга солади. У дарров она қиёфасини қоғозга тушира бошлайди. «Она» асари беҳиштер яна ўша ўхшатишни ёдига солади: «Тикан учидан очилган...»

— Узбек аёлининг меҳри, садоқати ва малюҳати доимо мени мафтун этган, — дейди Жўра Асрон. — Унинг феълларида бундайин фазилатлар яратган асарларимда гўла-тўкс акс этмагунча қайта-қайта чизавераман...

Мусавфирнинг шу сўзлари қўлимдаги суратларда ўз исботини топгандек кўринади. Мана, «Муножот Йўлчиева» асари. Хонанининг нигоҳлари уйган. Гўё у ёнидаги китоб — «Навоий шериъатини» ҳозиргина ўқиб тугатган. Буюк шоирнинг газаллари хонанини бутку сеҳрлаб, унинг ҳаёлларини узоқ-узоқларга олиб кетган...

Анҳор четидаги дарахта сўяниб турган қиз суратини мусавфир «Ҳаёл» деб номлади. Балоғат ёшидаги бу қизнинг кўзларида чуқур изтироб бор. Шунингдек, ташвиш ва саро-сима, журъат ва ҳадиқ, икки-иккидан узоқ-узоқларга қол-

ган қиз гўёки таскину юпанчи истаб анҳор ёнига келган. Балки у кимсасиз шу масканда ҳаёл кучига эрк бериб ўз тақдирини ўзи ҳал этмоқчи бўлаётгандай. Токи умри манави анҳор суви каби беҳуда оқиб кетмасин...

«Фозила Сулаймонова», «Сабоҳат Азимжонова» қиёфаларида машаққатли ҳаёт йўли чизиқлари, айни вақтда бугунги ёруғ кунлардан шукроналик ҳисси муҳраниб қолган.

... Она — кўнгил тахтидаги зот. У инсоннинг ҳаётдаги энг биринчи таянчи. Йиллар ўтгани сайин киши ўз онасига янада яқинроқ бўлиб қолиши, доимо унга талпиниб яшашини боиси шунда. Жонимиз азоб чекса, ҳатто сўнгги нафасимизда ҳам фақат «онажон» деймиз. Чунки оналар фарзандлари учун фидо бўлишга қолмай, балки улкан тоғ каби



Гулчехра ЖАМИЛОВА.

бу тун дунёнинг юкига елка тутиб туришади. Аслида бу — ҳақиқат. Таниқли расом Жўра Асрон эса мўйқалам орқали худди шу ҳақиқатни ўзбек аёлининг қиёфасига жо этапти, десак, янглишмасмиз балки.

Кўлоқларингиз остида жаранглаётган овоздан уйғониб кетиб, у ёқ-бу ёққа алангайсиз. «Ҳайрият, тушим экан», дейсиз-да, шовиб соатга қарайсиз. Олти ярим. «Ухлаб қолибман-да», дея апиб-тапиб ювинишга шошиласиз. Арғиниб, сочичини елкангизга ташлаганча охинонага чопқиллайсиз. Газплита устида чой қайнаб турганини кўриб, бош чайқаганча меҳмонхонага кирасиз. Одатгаддек дастурхон ёнигини ва нонушта учун ҳамма нарса тайёрлаб қўйилганли-

чиroy ила азиз онажонингизни, қадрли опа-сингилларингиз-у, суюкли ёрингиз ва меҳрибон қизларингизни «Халқаро хотин-қизлар кўни» деб аталмиш дунёвий байрам билан муборакбод этмоқ учун ташриф буюришгани кўз ўнгингиздан ўтиб, хижолат тортасиз. Ва дарҳол онажонингизга атаб олган совғангиз билан меҳмонхонага чиқасиз. Юзу кўзларидан нур ва табасум ёғилиб турган онажонингиз биллур гўлдондаги атиргулларга ҳавас билан термулиб турганликларини кўриб қувониб кетасиз. Онажонингизни баррингизга босиб, нафосат байрами билан қўтлаётганингизда рафиқангиз билан қизларингиз кириб келишади. Ёрингиз ойижон дейдиган қайнонасини, қизларингиз мунис бувижонларини қўчоқларига олиб, дилларидаги энг эзгу ниятларини тилақларини изҳор этадилар. Сиз эса ёрингиз билан қизларингизга ҳам совға улашиб, севинчларига севинч қўшасиз. Ва шу заҳотиёқ ташаббусини қўлга олиб, ҳаммаларини нонуштага таклиф қиласиз.

Бир пийёла чой устидаги сўхбатдан Онажонингиз учун энг катта совға сизнинг фарзандлик меҳрингиз, соғ-саломат юрганлигингиз-у оилангиз билан тинч-топув яшаётганингиз эканлигини аниглаб, ҳаёлга чўмасиз. Олис-олисдан «Авалло, онангга яхшилик қил,

яна онангга, яна онангга яхшилик қил, сўнгра отанга яхшилик қил!» деган овоз эшитилгандек бўлади. Хушёр тортиб, Онажонингизнинг чехларига тикиласиз. Сочлари янаям сийрақлашиб, қораси қолмаганини, юз-кўзлари анча сўлгинлашганини кўриб, юрагингиз орқага тортгандай бўлади. «Мени — бир парча этни бағрига босиб, иссиқ-совуқдан асраб, бир жойим жиз этса, ўзини кўрмага жой топмаган, кўзур-ҳаловатидан кечиб, меҳр ила парвариш қилиб, оёққа турғизиб уйли-жойли қилган Онажонинга кўз ўнгимда кексайиб бораётганлар-а», дея ўйланиб қоласиз. Яна овоз келгандек бўлади: Онажонинг сени ёмон кўзлардан йироқ тутиб, меҳр-оқибатли, ҳимматли, камтар, садоқатли инсон қилиб тарбияладилар. Сен у кишидан энг ажойиб инсоний хислат ва фазилатларни ўрганиб, камол топдинг. Қалбингга фақат яхшилик уруғини сочдилар. Бу уруғлар унинг чиқиб, «Халоллик», «Адолат», «Дилёнат», «Олжаноблик» номлари билан мева бера бошлайди.

Бу сенинг бахтинг. Бу бахтдан оилангни, фарзандларинг-у, дўсту биродарларингни баҳраманд этиш эса бурчин. Бунинг зинҳор-базиҳор унутма! Онажонингизнинг истак ва тилақлари ҳам шундай. У киши сени кўз қорачиқларидай сақлаб келдилар. Сен буни юз, минг қарра зиёда қилиб қайтарсанг ҳам кам. Бу сенинг фарзандлик бурчинг ҳисобланади.

Билиб қўй, боғбон меҳрини туймаган, парваришини қўрмаган дарах ёввойилашиб кетади. Меваси тахир бўлади. Она ҳам борбон. Унинг «қайчиси»ни қўрмаган, ўнгиларига амал қилмаган фарзанд ҳам ёввойилашиб, ўз йўлини йўқотиши, азоблар гирдобига гарқ бўлиши ҳеч гап эмас. Ҳеч шубҳасизки, ана шу муноси, меҳрибон, қуйинчак, бағри кенг, саҳий ва дониш боғбоннинг парвариши билан воёга етган фарзанд ўз оназорини сира-сира уқситмайди, сира-сираранжитмайди, норизо қилмайди. Ҳамиша кўзларини кўксига қўйиб, «Лаббай!» деб турлади. Бирон-бир ишга қўл урмоқчи бўлса, аввало, онажон билан маслаҳатлашади. Сафрга бораб бўлса, Она розилигини олиб, унинг дуоси билан йўлга чиқади. Бу оқил фарзанднинг онасига бўлган беқирё ҳурматини муҳаббатидан далолатдир. Бундай инсон нафақат ўз рафиқасини қизларига, балки бошқаларга ҳам шундай эҳтиром кўрсатадиган бўлади.

«Она — уйнинг фариштаси» деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Зеро, Онанинг итакдек мулоийм овози эшитилиб турадиган хондон ҳаминша файзли, қўт-баракали, осойишта, аҳл бўлади. Ана шундай Онажонлари бор маҳалла ҳам саранжом-сарништа бўлади. Туё маъракалари маслаҳат билан ўтади. Катталар иззатга-ю, кичиклар хизматда турадилар. Ҳамма ҳавас қиладиган бундай маҳалланинг қизларини келин қиламан деганлар қанчадан-қанча.

Она ҳаёт муаллими ҳамдир. Онандан олган тарбияни, онандан олган сабоқни ҳеч кимдан ололмайсан. Бас, шундай экан, Онажонингизнинг қадр-қимматини ҳаминша азиз бил! Бу мўътабар номини доимо улуғлаб, ҳамма нарсалар юқори тут! Онанинг дуоси билан ёмонлар яхши бўлай. Бало-офатлар йироқ кетгай. Урушлар тўхтагай! Арашлар унутлгай. Олам ана шундай илоҳий қудрат соҳибига бўлган Она билан гўзалдир. Шунинг учун ҳам «Жаннат оналар оёғи остидадир», дейдилар. Буларни ёдда тутсанг, амал қилсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан...

Бу гапларни диққат билан эшитиб, Онажонингиздан бир умр қардорлигингни, у кишига кўрсатишинг керак бўлган иззат-икромнинг мингдан бирини ҳам қилолмаганингни аниглаб, афсус ила ич-ичиндан эзилб кетасан. Урнингдан ириб туриб, у улуг зотнинг юз-кўзларидан ўзиб, «Одамлар, билиб қўйинлар, олам онам билан гўзал!» дея бутун дунёга ҳайқирингиз келади.

**Эркакларга
маслаҳат**

Ёдингизда бўлсин. Байрам кунини барвақт турун, ухлаб қолманг. Йилда бир кун хизматимизда бўлсангиз, нима қилибди? Бизга марҳаматингиз Оллоҳга ҳам хуш келур. Ҳадису шарифда ҳам аввал аҳли аёлинингизни сийланг дейилган.

Бизга қилган яхшилигингиз ерда қолмайди. Ношукурлардан эмасмиз. Бирингизни минг қилиб қайтарамиз. Бунинг яхши биласиз.

Хуллас, байрам байрамдек ўтсин. Тухфа олишда хасислик қилманг. Аёл учун энг катта совға — сизнинг меҳрингиздир!

UZDUNROBITA
first cellular

“Уздунробита” компанияси чин юракдан Ўзбекистоннинг барча хотин — қизларини ажойиб баҳор байрами — **МАРМ** билан таъбриклайди!

УЗАСИ АА №0000104

Нуриддин ОЧИЛОВ.

Қалқонота қирларида

Кечагидай эсимда, Мустақиллик эркини Навбахор туманидаги Қалқонота қишлоғига барвақт етиб келгандай эди. Қишлоқ аҳли Нурота тизма тоғлари этагидаги қирликка насослар орқали сув чиқаришди. Қақраб ётган кенглик ўрнида боғ-роғларни кўриш ораусига тушиб қолди. Кучат ўтказмаган ёшу-қари қолмади. Ўзи эккан ниҳолнинг униб ўсиши-ю, мевасидан татишнинг гашти бошқача-да. Кун-кунора ўша одамларни қир бағрида кўрадим. Яхши ният билан ташкил этилган боғни «Наврўз» деб аташди. Ўша кезларда эндигина қайта тикланаётган миллий ва қадимий байрамимиз — Наврўз қишлоқ аҳлини бир-бирлари билан янада яқинроқ бирлаштирди, десам ҳеч луб эмас. Бунда қишлоқ кутубхонасидан Мавлуда Жабборованинг хизматларини ҳали-ҳали ҳамма айтади юради. Ҳар Наврўзда ўша кунлар хотирланади.

У Наврўз арафасида уйма-уй юриб, ҳаммани

байрамни қир бағрида янги боғда биргаликда кутиб олишга даъват этди. Қўшнилари ҳам шуни кутиб турган эканми, таклифга жон-жон деб рози бўлишди. Кеча билан кундуз тенглашган кунда боғ ўртасига кенг дастурхон ёзилди. Мавлуда

боғида кутиб олишди. Кунлар исини биланок дов-дарактлар парваринишга киришишди. Йуллар, ариқлар тартибга келтирилади. Янги гулзорлар барпо этилади. Қаранг-а, ўшандан бери ордан неча йиллар, неча-неча Нав-



Наврўзга пешвоз

Жабборова маросимда ҳаммани аҳиллик-иноқликка, ҳар Наврўзни шу тарзда, шу ерда кутиб олишга чорлади. Нуронийлар дуога қўл очинди. Ғўлиноб тўла коса қўлма-қўл ўтиб, қалбларини меҳр ришгаси билан боғлади.

Шу-шу қалқоноталиклари Наврўзни «Наврўз»

рўзлар ўтди. Қишлоқ аҳли мудом боғ томон талпиниб яшайди. Дарахтлар йилда гуллагани каби ҳар Наврўз одамларни яшатираверди. Шу боис, Наврўз олди-дан турли хил кўнгилочар ўйинлар дастури тўзилади. Ҳар бир уйда Наврўз таомлари тайёрланади. Бу эзгу ишларга

бош-қош буладиган зиёкор Мавлуда Жабборовадек оқила, талбиркор, ташаббускор ҳамқишлоқлари борлигидан фахрланишди.

Яқинда Мавлуда оғани учратиб қолдим. Маҳалла оқсоқоли этиб сайлашди. 784 оиланинг иссиқ-совуғидан хабардор.

— Наврўз келаяпти, ҳамманинг бошини қовуштирилган байрам у, — дея боғдаги тайёргарликдан кўнгли тўқилгани билдириди. Ва яна қўшиб қўйди — Қўниқўшничилик-да, баъзан арзиманган воқеа сабаб кўнгилга пугур етиши ҳақ гап эмас. Байрам баҳона гиналарга ўрин қолмаслиги керак. Маҳмуднинг уйдан келаялман. Келин сумалакка ҳозирлик кўраяпти. Ўша кунни қўшниси билан биргаликда қирга дастурхон чиқармоқчи...

Боғда бажарилаётган юмушлар, қиз-жувонларнинг бугунги ниятлари, оқсоқолнинг елиб-югуриши Наврўзнинг янада завқли, чиройли, мароқли ва ранг-баранг ўтишидан далолат.

Яна билдимки, миллий байрамимиз маҳалла оқсоқолларини ҳам синовдан ўтказар экан. Ҳа, Наврўз яқин. Ўша кунни тепаликдаги боғ барча орзу-умидларга тўлиб тошади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗДЭУ ЭЛЕКТРОНИКС»

ҚУШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз барга аёлларини халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март билан қизини табриклайди!

Шу билан бирга, қўшма корхонада ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилганлигини мамнуният билан изҳор этиб, электр-маиший жиҳозларнинг баҳорги улғуржи савдоси бошланганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 121-69-58, 21-18-36.

Энг оммавий исмлар

Мехмет, Мустафо, Аҳмед, Али, Хусен, Фотима, Ойша, Омينا, Хадича ва Зайнаб исмлари Туркиядаги энг оммавий исм саналади. Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, 70 миллион аҳолининг 23 миллиони шу ўн исм билан аталар экан.

Мода икломандларига совға

Париж супермаркетларида одамнинг қиёфаси нусхасини тайёрлайдиган аппаратлар ишлаб чиқаришди. Энди ҳар қандай хоҳлаган одам кичик кабинларга кириб, бир неча дақиқада ўзининг электрон нусхасини тайёрлаб олиши мумкин. Бу мода икломандларига жуда маъқул тушади, дейишмоқда мутахассислар. Чунки ҳар бир одам ўз нусхасини уйга олиб келиб, қайси кийим ярашишини бемалол четдан туриб кузатиши мумкин.

Тиниб-тиничмаган аквалангистлар

Вентрилик маҳсус аквалангистлар гуруҳи Иккинчи жаҳон уруши даврида Балатон қўлига қулаб тушган «ИЛ-2» самолётини олиб чиқаришди. Энди у Венгрия қуролли кучларига қарашли музейлардан бирига қўйилади. Маҳаллий тарихчиларнинг гапига қараганда, уруш даврида қўлга қирқдан кўпроқ немис, Буюк Британия, АҚШ ва собиқ шўро самолётлари қулаб тушган. Аквалангистлар уларни ҳам излаб топишмоқчи.

Яшаришни истайсизми?

Корея Миллий тадқиқотлар ва баллиқ ресурслари институти ходимлари денгиз юлдузларига учрайдиган коллоген моддасидан терига суртилдиган ва одамни яшартирадиган восита тайёрлашга муваффақ бўлишди. Илгари коллоген фойдаси ҳисобланиб, денгизга ташлаб юбориларди.

ОАЖШ «Paxtasanoatfilm» ИСНМ

2002 йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 2003 йил 8 апрель кuni соат 10.00да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 8-уй. Акциядорларни рўйхатга олиш — соат 8.00дан.

- #### КҮН ТАРТИБИ:
- ОАЖШ «Paxtasanoatfilm» ИСНМнинг молиявий-ҳужалик фаолияти натижалари тўғрисида бошқарув ҳисоботи.
 - 2002 йил натижалари бўйича тафтиш комиссияси ҳулосаси ва аудиторлик текширувини тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш, дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тўғрисида.
 - ОАЖШ «Paxtasanoatfilm» ИСНМ низоми жамғармасини кўпайтириш тўғрисида.
 - Жамиятнинг 2003 йилга бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
 - ОАЖШ «Paxtasanoatfilm» ИСНМ қузатув кенгаши фаолияти тўғрисида. Қузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
 - Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
 - ОАЖШ «Paxtasanoatfilm» ИСНМ бошқарув раисини 2003 йилга ёллаш бўйича меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.
 - 2003 йилга жамият аудиториини тасдиқлаш.
- Рўйхатдан ўтиш учун мажлис иштирокчилари, яъни акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), акциядорлар вакиллари эса нотариал тасдиқланган ишончномани кўрсатишлари керак. Маълумот олиш учун телефон: 56-04-21.

ОАЖШ «Paxtasanoatfilm» ИСНМнинг 2002 йил баланси

№	Кўрсаткичлар номи	Салдо (минг сўм)	
		Актив	Пассив
1.	Асосий воситалар	46741	
2.	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	396	
3.	Ишлаб чиқариш захиралари	34361	
4.	Келгуси давр сарфлари	2500	
5.	Пул маблағлари	23772	
6.	Диторлик қарзлари		28904
7.	Низом жамғармаси		13382
8.	Қўшилган капитал		9257
9.	Резерв капитали		24745
10.	Тақсимланмаган фойда		26455
11.	Максадли тушумлар		862
12.	Олинган буннаклар		24848
13.	Кредиторлик қарзлари		3082
14.	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредиторлик қарзлар		6466
15.	Ижтимоий сугурта бўйича қарзлар		
Баланс		138001	138001

2002 йил бўйича аудиторлик текширув «Sifat Audit» хусусий аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 12 ноябрдаги АФ серияли № 00273 лицензияси.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

Тошкент шаҳар филиали

барча аёлларни 8 март байрами билан табриклайди ва қуйидаги лавозимларга танлов асосида қабул эълон қилади:

- валюта айирбошлаш шохобчаси назоратчиси
- валюта айирбошлаш шохобчаси кассири.

Номзодларга қўйиладиган талаблар

- валюта айирбошлаш шохобчаси назоратчиси олий ёки ўрта-махсус иқтисодий маълумотли ва валюта айирбошлаш шохобчаси кассири ўрта маълумотдан кам бўлмаслиги лозим;
- компьютерда ишлаш олиш қобилияти.

Таклифлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этинг: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 5-уй. Мўлжал: «Амир Темура» метро бекати. Телефонлар: 133-95-68, 133-12-72, 136-22-95.

Ўзбекистонга ДАК

тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган болалар, катталар спорт кийимлари ва анжонлари КЎРГАЗМАСИНИ

2003 йил 11 март кунини

ЎТКАЗАДИ.

Ҳамкорлик қилиш ва кўрғазмада иштирок этиш истагида бўлган фирма ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар шу йилнинг 8 мартига «Ўзбекистонга ДАК»нинг техника тараққиоти ва сифат бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Тошкент ш., Бобур к., 45-уй.
Тел.: 53-56-22, 53-46-32, 415-22-93, 115-22-95.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш бўйича республика бошқармаси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Жиззах вилояти, Фориш тумани, Янгиқишлоқ шаҳарчасидаги Давлат солиқ инспекциясининг маъмурий биноси қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича тендер эълон қилади.

Қурилишни тугаллаш муддати — 2003 йил IV чорак.

Буюртмачи: Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси. Манзили: Жиззах шаҳри, «Шифокорлар» кўчаси, 50-уй. Телефон: 226-23-23, факс: 226-29-55.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Пудратчи ташкилотлар зарурий профессионал ва техник малака, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларига, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуққа эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари керак.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси Жиззах вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилгандан бошлаб соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади:

Жиззах шаҳри, Ш.Решидов кўчаси, 63-уй (вилоят ҳокимлигининг ёқин биноси), 303, 305-хоналар. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-95-42.

Тендер ҳужжатлари бир тўламини нархи — 50000 (халқ илми) сўм.

Оферталар юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни тақдим этишнинг энг охириги муддати — тендер комиссиясининг оферталарни очиб кўриш бўйича йиғилиши кунини ва соатигача. Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг тендер комиссияси томонидан вилоят ҳокимлигининг кичик мажлис залда кўриб чиқилади.

«Назм ва наво»

Пойтахтимиздаги Солиқ коллежида «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди. Унга адабиётшунос олимлар ва санъаткорлар ташир буюрдилар. Коллеж курсантлари адабиётимиз тарихи, Навоий, Бобур ижоди борасида кўплаб маълумотларга эга бўлишди.

Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабий ижросидаги мумтоз кўшиқлар кечага ўзгача шуқуқ бахш этди.

Раёно ШЕРМАТОВА.

Адас стадиони

Яқинда Тайлоқ туманининг Адас қишлоғида стадион барпо этилди. Унинг қурилиши учун бор-йўғи 47 кун кифоя қилди. Бу биргина хўжаликнинг эмас, барча қишлоқ одамларининг ҳам ҳарақати натижасидир.

2 200 ўринга мўлжалланган мазкур стадионда ҳамма қўлайликлар мавжуд. Ҳадемай, кунлар исини билан стадион қишлоқ ёшларининг, мактаб ўқувчиларининг сеvimли масканига айланади.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ТашОП» ОАЖ

А-01 «Камминз» двигатели таъмирлаш фондини 1999 йилгача топширган буюртмачилар билан ақтларни солиштириш ишларини ўтказмоқчи.

Ақтларни солиштириш муддати — эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой.

Юқорида кўрсатилган муддат ичида солиштириш ақтларини тақдим этмаганлар ўзлари топширган таъмирлаш фондини қайтариб олиш ҳуқуқини йўқотадилар.

Манзил: 700147, Тошкент ш., А.Каримов к., 5-уй. Телефон: 90-40-19.

«СОРБ-ТЕХ»

ёпиқ акционерлик жамияти

Ўз низоми жамғармасининг 20 миллион сўмдан 2 миллион 60 миң сўмга камайтирганини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Ғани Мавалянов кўчаси, 33-уй. Телефонлар: 48-15-03, 187-15-03, 187-15-02.

Freedom House

— халқаро нодавлат ташкилот бўлиб, у бугун жаҳон бўйлаб сиёсий ва иқтисодий эркинликларни илгари суриш бўйича фаолият юритади. Freedom House Американинг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) ва АҚШ давлат департаменти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Лойиҳани бажариш учун қуйидагилар ишга тақлиф этилади:

- Адвокат. У инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маълумотга, юриспруденция соҳасида камиди 4 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, Ўзбекистон юридик тизмининг аъло даражада тушунадиган бўлиши, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конун ва конвенциялар, Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи, Microsoft Office дастури, ўзбек ва рус тилларини билиши (инглиз тилини биладиганларга устунлик берилади) керак.
- Бухгалтер. У Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби ва керакли конунларини билиши, бухгалтерия соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлиши, инглиз тили, Microsoft Word, Excel ва Microsoft почта дастурини билиши, ўзбек компаниялари ёки нодавлат, нотижорат ташкилотларда камиди 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши керак. Халқаро ташкилотда бухгалтер вазифасида меҳнат тажрибасига эга бўлган ва халқаро бухгалтерия тизмининг биладиганларга афзаллик берилади.

Резюмеларни тоборишнинг охириги муддати — 2003 йил 11 март. Резюмеларни bekimbetova@freedomhouse.uz ёки қуйидаги манзилга юбориш мумкин: 700015, Тошкент шаҳри, Сулаймонова кўчаси, 36-уй.

«Халқ сўзи»

НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Мухаддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, А.Саидов к., 76-уй. Телефонлар: 46-93-11, 46-62-07.

БИНО

ер участкаси умумий майдони 1168 м² билан сойилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 253, 34889 нухсала босилди, ҳажми — 2 тўбоқ. Об'ект усулида босилган. Котиз бичими А-2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшад ТОҒАЕВ ва Албар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қозондан эида материаллар қабул қилинмайди. П-Тюкорат материал

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, А.Саидов к., 76-уй. Телефонлар: 46-93-11, 46-62-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Б. Остонакулов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.